

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Зоҳидова Азиза Воҳид қизи

Toшкент иқтисодиёт ва технологиялари университети

“Бошлангич таълим” йўналиши 2-босқич талабаси

Аннатация. Ушбу мақолада ахборот-таълим мухитида ўқувчи-ёшларни рақамли ахборотлардан кераклиларини ажратиб олиш, таҳлил қилиш, таълим жараёнида улардан самарали фойдаланиш усуллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ахборот мухити, жамият, таълим, ижтимоий-педагогик, ахборот маданияти.

Ҳалқаро дунё ҳамжамиятида профессионал таълимни модернизациялаш, меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш бўйича кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тизимнинг сифатини белгилаб берувчи таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш, илгор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш таълим муассасалари талаба ва ўқувчиларининг ватанпарварлик сифатларини тарбиялаш технологиясини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик механизмлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида ўқувчиларни ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, кенг дунёқарашига эга бўлган касб эгаларини тайёрлаш, улардаги ватанпарварлик, мустаҳкам иродада, событқадамлик каби ҳислатларни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этувчи педагогик ҳодиса сифатида талқин қилинишига, амалий тавсифдаги методикаларни яратишга эҳтиёж мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли «Таълим

тўғрисида»ги Қонуни [1], 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5349-сонли Фармони [3], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрда «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарори[2] ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ислоҳатлар олиб ботлмлқда. Ахборотлар хилма-хиллиги учун ёшларнинг, жумладан касб-хунар коллеж ва техникум ўқувчиларининг муайян ҳаётий позицияни эгаллашлари билан боғлиқ дунёқарашига таъсир қиласидиган, ижтимоий, маданий, ижтимоий-сиёсий йўналишларидаги мотивациялари, мақсадларига ўзаро таъсири бир-биридан фарқ қиласидиган ахборот оқимлари мавжудлиги ва уларнинг ҳаддан ташқари кўплиги билан характерланади. Бугун ахборотларни қабул ва таҳлил қилиш инсон ҳаётининг мустақил соҳасига айланди. Ахборотлар ва соҳта ахборотлар эса ажратиб бўлмас даражага етди. Ахборотларга ишлов бериш ва узатиш билан боғлиқ технологиялар, шунингдек, таълим соҳасининг тегишли соҳаларининг роли ортди. Сунъий интеллект шаклларининг бири сифатида долзарб эксперт тизимининг таркибий қисми ҳисобланадиган билимлар муҳандислиги жадаллик билан ривожланмоқда. Жамият ва инсоният ҳаётий фаолиятининг барча соҳалари хатто онг таркиби бевосита боғлиқ бўлган ахборотларни узатиш тезлиги ва кўпсонли хилма-хил ахборотлар оқимининг роли ошди. Компьютерлаштириш ва мулоқот нафақат меҳнат, балки кундалик ҳаётнинг ажralmas таркибий қисмига айланди. Ер шарининг исталган нуқтасига оид ахборотларни олиш имконини берадиган ягона ахборот тармоғи шакллантирилди. Виртуал муҳит инсонлар ҳаётида борган сари кўпроқ ўринни эгаллай бошлади. Бу

белгиларнинг бари ахборотлашган деб аталадиган жамият тараққиётида сифат жиҳатдан янги даврнинг кирганлигини қўрсатади[4]. «Ахборотлашган» жамиятга киришда инсоният ҳаётий фаолиятининг барча соҳалари, хилма-хиллиги ва кўплигини қамраб оладиган ахборотларнинг ёши билан боғлик роли алоҳида таъкидланади. Бугунги кунда нафақат ахборотларни яратиш жараёнларини тартибга солиш, ахборотларни узатиш, сақлаш, улардан фойдаланиш, балки, энг асосийси, олинаётган ахборотларни англаб етиш муҳим ижтимоий аҳамиятга эга, чунки ахборотлар оламида ҳақиқат хусусий моделда трансформация қилинади, худудлар харитага айланади.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот хилма-хиллиги ва қарама-қаршилиги шароитида бўлажак мутахассисларни ҳаёт учун назарий ва амалий тайёрлашда гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанларнинг аҳамиятини ошириш, салбий таъсирларга қарши туриш, сохта маълумотларни ҳақиқийсидан ажрата олиш ва уларни рад этиш қўнималарини тарбиялаш муҳим хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. www.lex.uz
3. 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5349-сонли Фармони
4. 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони
5. Прядильникова.О.В. Организация проектно-исследовательской деятельности на основе Интернета Веб-квест. // Институт развития образования Республики Башкортостан. 2018. - с.23-26.